ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККА ҲОКИМЛИГИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
(1945-1955 йиллар)

Э.Эркаев, Д.Ҳомидов

Мақолада иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда совет ҳукуматининг Ўзбекистонни пахта хом ашёсини етказиб берувчи асосий ўлкага айлантириши, пахта етиштиришнинг йилдан-йилга ортиб бориш жараёнлари ва унинг оқибатлари таҳлил этилган.

***Калит сўзлар**: қишлоқ хўжалиги, пахта яккаҳокимлиги, ирригация, мелиорация, пахта хом ашёси, жамоа хўжалиги, қўриқ ерлар, механизациялаштириш, кимёлаштириш.*

В статье освещен процесс превращения Узбекистана в основную сырьевую базу по выращиванию хлопчатника в послевоенные годы, постепенное увеличение заготовок хлопка-сырца и его негативные последствия.

***Ключевые слова**: сельское хозяйство, хлопковая монокультура, ирригация, мелиорация, хлопковое сырье, коллективное хозяйство, залежные земели, механизация, химизация.*

On the basis of primary sources the article discusses the process of turning Uzbekistan into a main source of cotton producing region after the Second World War and its negative influence on the social development of the area.

***Key words**: agriculture, cotton monoculture, irrigation, melioration, cotton raw material, collective farm, virgin lands, mechanization, chemicalization.*

Урушдан кейинги дастлабки йилларданоқ республика қишлоқ хўжалигини қайта қуришдаги асосий мезон пахта экиладиган майдонларни изчиллик билан кенгайтириб бориш ва умумий экин экиладиган майдонларда унинг салмоғини оширишдан иборат эди.

Айниқса, ВКП(б) МҚ ва Иттифоқ ҳукуматининг 1945 йил 14 июндаги “Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги [1.478], 1946 йил 2 февралдаги ВКП(б) МҚ ва СССР ХКСнинг “1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги [1.484], 1947 йил 16 февралдаги ВКП(б) МҚ Пленумининг “Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети 1946 йил 30 августда қабул қилган “Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришнинг 1946-1950 йилларга мўлжалланган беш йиллик режаси тўғрисида”ги [2.331] қарор ва бошқа махсус қарорларда халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахта етиштиришни кўпайтириш вазифаси кескин қўйилган эди. Иқтисодиётда мутаносиблик бузилган, кучли моддий-техника базаси йўқ, омилкор малакали кадрлар ва бошқа воситалар етарли бўлмаган бир шароитда доимгидек совет тузуми ўз манфаатларини кўзлаб юқоридаги қарорларни қабул қилди. Беш йиллик режага кўра, 1950 йилларга келиб пахта ҳосили 2 млн. 139

минг тоннани ташкил этиб, 1945 йилга нисбатан 2.5 баробар ортиши лозим эди. Бундан ташқари, 1953 йилга келиб пахта майдонлари 1 миллион гектарга, ҳосилдорлик эса 25 центнерга етиши лозим эди [1.485]. Бу даврда оммавий касбга малакали кадрлар тайёрлаш, аграр корхоналарни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб бориш учун дастурлар қабул қилинди, механизатор, техник кадрларни, малакали қишлоқ хўжалиги ходимларини кўпайтиришга эътибор қаратилди, кадрлар таркиби асосан зарурий касбий билимларга эга бўлмаган аёллар ва ўсмирлар билан тўлдирилди. Шуни таъкидлаш керакки, урушдан кейинги дастлабки йилларда механизаторларни касбга ўргатиш амалиётида жиддий муаммолар мавжуд эди. Жумладан, малакали ўқитувчилар жуда кам, зарур ўқув қўлланмалар, асбоб-ускуналар етишмас, борлари ҳам талабга жавоб бермас эди.

Мустабид тузум томонидан пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида бир қатор машинасозлик заводлари (“Тошқишлоқмаш”, “Ўзбекқишлоқмаш”, “Тоштўқимачиликмаш”, “Красный двигатель”, “Подъёмник” ва бошқалар) тракторлар учун тиркама механизмлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштирилди ёки қишлоқ хўжалик хом ашёсини (асосан пахта) қайта ишлайдиган корхоналарга айлантирилди. Чирчиқ электр кимё комбинати қисқа муддатда ҳарбий буюртмаларни бажаришдан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ўтказилди [3.503]. 1946 йилдан бошлаб Марказдан ва бошқа районлардан олинадиган дон ва бошқа озиқ-овқат, саноат моллари миқдори топшириладиган пахта ҳажмига боғлиқ қилиб қўйилди. 1946 йилда пахтадан яхши ҳосил олинди. Давлатга 1428 минг тонна пахта топширилиб, давлат режаси 100.7% бажарилди, ҳосилдорлик 2.7 центнерга ортди [4.222]. 1947 йилга келиб республикада пахта экиладиган майдонлар ҳажми урушдан олдинги даражага етди. 1947, 1948, 1949 йилларда давлат режаси бажарилмади. Кўрилган чора-тадбирлар ва амалий ёрдамлар эвазига 1950 йилда 2282 минг тонна пахта топширилиб, давлат режаси 104% га бажарилди. Урушдан кейинги 10 йилликда пахтачиликни тиклаш юзасидан амалга оширилган ишларни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин [5.328].

Йиллар	Пахта майдони (минг гектар)	Ялпи ҳосил (минг тонна)	Гектаридан ҳосилдорлик (центнер)
1945	742.3	824.2	11.1
1946	841	1146.8	13.6
1947	941.1	1195.3	12.7
1948	1002	1558.6	15.6
1949	1059.4	1754.9	16.6
1950	1134.5	2282.4	20.1
1951	1152	2361.4	20.5
1952	1177.2	2466.6	21
1953	1200.4	2525.5	21
1954	1392	2785	20
1955	1370	2577	18.8

Жадвалдан кўриниб турибдики, пахта етиштиришнинг ялпи салмоғи йилдан йилга ошиб боришига қарамай, 1951–1955 йилларда пахта ҳосилдорлиги кўтарилмади, аксинча, пасайиш ҳоллари юз берди. Агар 1950–1953 йилларда ҳар гектардан 20,5 – 21 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу кўрсаткич 1954 йилда 20 центнер, 1955 йилда эса 18.8 центерни ташкил этди, холос. 1955 йилда ўтган йилга нисбатан 200 минг тонна кам ҳосил олинди.

Урушдан кейинги 1946–1955 йиллар давомида фақат 1946 ва 1950 йиллардагина пахта етиштириш давлат режаси бажарилди, холос. 1951–1955 йилларда Ўзбекистон 12 миллион 714 минг тонна пахта хом ашёсини давлатга топширди. Бу 1946–1951 йилларга нисбатан 4 миллион 779 минг тонна ёки 62.2% кўп эди [6.41]. Пахта етиштиришнинг ортиб бориши, асосан, қўшимча ерларни пахта майдонига айлантириш ҳисобига ортиб борди. 1949 йил 16 апрелида республика ҳукумати томонидан “Мирзачўлни ўзлаштиришнинг навбатдаги тадбирлари тўғрисида” [7.286] қарор қабул қилиниб, янги ўзлаштирилган ерларнинг асосий қисми чигит экишга ажратилди. Ўша йилларда сув хўжалигини ривожлантиришга эътибор кучайтирилса-да, у фақат жамоа хўжаликларига хизмат қилар, сув биринчи навбатда пахтазорларни суғоришга сарфланиб, ғалла, сабзавот, полиз, боғ ва бошқа экинлар кейинги навбатда сув билан таъминланган, сув танқислиги туфайли шахсий томорқа хўжаликлари сувсиз қолиб кетар эди. Иқтисодий мажбурлаш билан боғлиқ бўлган пахта яккахокимлигини мустаҳкамлашдан иборат империяча сиёсат республика қишлоқ хўжалигига оғир таъсир кўрсатди. Масалан, 50-йилларнинг бошларида мамлакатдаги экин майдонларини урушдан олдинги даражага етказиб бўлмади. Дон экинларининг ялпи ҳосили 1940 йилдаги 615.1 минг тоннадан 443 минг тоннага, сабзавот 1315.2 минг тоннадан 840.2 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 331.9 минг тоннадан 153.4 минг тоннага тушиб қолди. Айни вақтда сабзавот ҳосилдорлиги гектарига 125 центнердан 73 центнерга, полиз маҳсулотлариники 84 центнердан 66 центнерга тушиб қолди [8.114]. Урушдан кейинги йилларда ҳам мустамлака тузумнинг қиш-

лоқ меҳнаткашларини талашга қаратилган сиёсати тўлашга қурби етмайдиган солиқлар солиш билан бирга олиб борилди. Қишлоқ аҳли биттадан ортиқ сигир сақлаши мумкин эмас эди. Мевали дарахтларнинг ҳар бир тупидан солиқ ундирилар, колхозчилар паспорт билан таъминланмаган ва бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб бориш эркинлиги чекланган, уларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, пенсия таъминоти татбиқ этилмаган, маиший ва тиббий хизматлар тизими ниҳоят паст даражада қолаётган эди [7.285]. Шу билан бирга, шахсий томорқа участкалари ҳам доимий равишда қисқартириб борилди. Агар 1950 йилга қадар томорқа участкалари нормаси 0,15 гектардан 0.25 гектаргача белгиланган бўлса, 1950 йил январидан бошлаб томорқа участкалари қисқартирилиб, 0,12 – 0,15 гектарга келтирилди ва тортиб олинган ерлар жамоа хўжаликларига қўшиб берилди. Муҳими, бу сиёсат урушдан кейинги йилларнинг оғир шароитида – томорқа участкалари ҳақиқатан ҳам қишлоқ меҳнаткашларининг асосий маҳсулот манбаи бўлиб турган бир пайтда амалга оширилди [3.534].

1954 йил 12 февралдаги КПСС ва СССР ҳукуматининг “1954–1958 йилларда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 600 минг гектар, шу жумладан, 300 минг гектар пахта экиладиган ерларда ирригация-мелиорация ишларини яхшилаш, 1954 йилдан бошлаб ҳар йили 150 минг гектар бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш вазифаси қўйилди [1.515]. Аммо аграр соҳада режалаштирилган кўплаб ислоҳотлар қоғозда қолиб кетди ёки тўла бажарилмади. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди.

Биринчидан: қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, пахтачиликка раҳбарлик қилишда давлатнинг маъмуриятчилиги кучайиб, қишлоқ хўжалиги учун иқтисодий номақбул режаларнинг мажбурий қабул қилиниши, қишлоқдаги ресурсларни тортиб олиш усуллари бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқарди.

Иккинчидан: режалаштиришнинг ўта марказлашуви, юқорининг кўрсатмасига мувофиқ режаларни қабул қилишда хўжаликларнинг ички имкониятларидан оқилона фойдаланиш ва зарур бўлган эҳтиёжларни йўлга қўйиш чеклаб қўйилди.

Учинчидан: бошқарувдаги “штурм қилиш ва сиқув” натижасида харид ва тайёрлов нархларининг пастлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфларини қопламагани учун хўжаликлар маҳсулот сотишда фойда ўрнига зарар кўришарди.

Тўртинчидан: давлатдан қарз бўлган хўжаликлар камомадининг иқтисодий бақувват хўжаликлар ҳисобидан ундириб олиниши қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнатга бўлган муносабатларига салбий таъсир кўрсатибгина қолмасдан, уларнинг турмушини ҳам мушкуллаштирган.

Бешинчидан: қишлоқ хўжалигида меҳнатга ҳақ тўлаш саноатдагига нибатан 40–50% кам бўлган, жамоа аъзоси олган ўртача йиллик даромад давлат хўжалиги ишчиси маошининг 53%ни ташкил этган.

Олтинчидан: пахта майдонларининг муттасил ортиб бориши, пахта хом ашёсини кўпроқ етказиб бериш мақсадида қишлоқ хўжалигида кимёвий дорилардан, минерал ўғитлардан фойдаланиш ноилмий тарзда амалга оширилиб, мақбул меъёрлари бузилди.

Еттинчидан: тиклаш даврининг кўп қиррали муаммоларини ҳал этишда ирригация ва мелиорация муҳим роль ўйнарди. Минглаб колхозчилар кетмон, чўкич, белкурак ва аравалар билан каналлар ва суғориш тизимлари қурилишида меҳнат қилишар, бундан ташқари йирик қурилишларга ҳам жалб қилинар эди.

Саккизинчидан: қишлоқ хўжалиги соҳасида малакали кадрлар масаласи муаммолигича қолмоқда эди. Масалан, 1953 йил 7 октабрь маълумотига кўра, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги МТС ва колхозларида зарур бўлган 3551 нафар агроном ўрнига 1341 нафар, 4358 нафар инженер-техник ходим ўрнига 2373 нафар билан таъминланган, бу ходимларнинг кўпчилиги махсус олий маълумотга эга эмас эди [9.356]. Тўғри, бу муаммони ҳал этиш учун қисқа ўқув курслари ташкил этилиб, 1946–1953 йиллар давомида 77 минг тракторчи, 1607 нафар комбайнчи, 17668 нафар механик-ҳайдовчи тайёрланди, 1954–1955 йилларда 16 минг механизатор қисқа курсларни битириб чиқди [10.148]. Аммо қишлоқларда ишлаш ва яшаш шароитининг ёмонлиги, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг яхши йўлга қўйилмагани мутахассислар ва механизаторлар қўнимсизлигини келтириб чиқарди. Масалан, 1947–1952 йилларда 54 мингга яқин механизатор ва техник ходимлар бошқа ишларга ўтиб кетди [10.156].

Тўққизинчидан: қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда фан-техника тараққиёти ютуқларидан тўғри фойдаланилмади, қўл меҳнати 75–80% ни ташкил этар, бу эса маҳсулот таннархига таъсир кўрсатар эди. Иқтисодий воситалардан унумли фойдаланилмади.

Умуман олганда, 1945–1955 йилларда жами 374.9 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, суғориладиган ерлар 2820 гектарни ташкил этди. Пахта экиш майдонлари 529.3 минг гектарга кўпайиб, 1955 йилда 1370 гектарни ташкил этди [11.60].

Марказнинг пахтага бўлган талаби тобора ку-

чайиб, нима бўлса-да кўпроқ пахта етиштиришдан иборат “олий мақсад” қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг экстенсив йўлларидан қутулишга имконият бермас эди. Бошқача айтганда, қанчалик кўп пахта эккан бўлсак, бошқа минтақалардан келтириладиган товарлар ҳажми ҳам шунча ортиб борди ва бу сиёсат кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди. Моҳиятан, бу Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларга қарамлигини сақлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсат эди.

Адабиётлар:

1. КПСС и Советское правительство об Узбекистане. Сб. док. (1924 – 1970 гг.) - Т.: Узбекистан. 1972.- 650 с.
2. ЎзР. МДА. 2454-фонд, 6-рўйхат, 344-иш, 331-варақ.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида). 2-китоб. - Т.: Шарқ, 2000 – 688 б.
4. Раззақов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. - Т. 1994. – 290 б.
5. Хлопководство Узбекистана за 50 лет. - Т.,1958. – 460 с.
6. Народное хозяйство Узбекской ССР. - Т., 1958.- 383 с.
7. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар) / Д.А.Алимова таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2000. – 466 б.
8. ЎзР МДА. 1916-фонд, 10-рўйхат, 4112-йиғма жилд, 111-варақ.
9. История рабочего класса Узбекистана. Т. II. - Т., 1965. – 380 б.
10. Абдуллаев А. Ўзбекистонда пахта яккахокимлиги ва унинг оқибатлари. (1917-1991 йиллар). Тарих фанлари докт... диссертацияси. - Т., 2009.- 291 б.
11. Джураев А. Героический подвиг хлопкоробов Узбекистана в послевоенные годы. (1946 – 1955 гг.)- Т., 1977.- 154 с.

Андижон давлат университети,
2015 йил 10 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)